



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Избоскан туман МТБ

И.Қобилова
И.Қобилова

БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Избоскан туман -2022 йил

1. Танлов хужжатлари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар ва сифат қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Избоскан туман ДМТТ ларига киш ва бахор мавсуми учун озик овкат (гуруч ва сабзи) махсулотларини сотиб олишда энг яхши таклиф ва танлов хужжатларини тайёрлаш

1.2. Танловнинг юқори қиймати 190800000,0 (Бир юз туксон миллион саккиз юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. махсулотни етказиб бериш муддати: голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзолаган кундан бошлаб тузилганлигига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Махсулотни етказиб бериш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАР

2.1. Избоскан туман МТБ (бундан кегин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Жалақудуқ туман хокимлиги “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага, эга барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар қатнашиши мумкин

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабларга қуйидаги малакавий талаблар қўйиладики:

танлов предмети ишлар “Хизматлар” ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги; объектнинг муракаблик даражасига қараб, “лицензия” ва “гувоҳнома” 684-қонун 13-моддага риоя этиш шарт

- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат даражаларини ёки меҳнат уз сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга берилган қаноғат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюрмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликга биноан лицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишлик лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат берилади:

3.4. Қуйидаги талабларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажралиши, қўшилиши), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок ҳолдин ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хусусий бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “буюртмачи” ва “иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида такдим этилиши мумкин

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

техник қисм, (буюртмачи) томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доираси хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир танлифларни яхлид ҳолда тикилган, номерланган ваколоти шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини мухирлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиш талаб қилади:

техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади)

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

фақат битта таклиф бериш мумкин; такдим этилган хужжатларни ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун танлуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яна 5 календарь кунга узайтириш мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтириш фақат харид комиссияси йнгилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлдилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатлар хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлов таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга ўзгартирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот. ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритиладу.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатларини қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонни белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмасига ҳамда сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмасига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбормхшиши шарт танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланди ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот борталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборилишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган саналар эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатлари ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.